

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 12-сон



68	Tabassumning muloqotdagi o'rne Вахридипова Е.А	345
69	Аксиологик модалликнинг кириш сўзли бадий матнларда ифодаланиши Боғматова Д.Б.	350
70	Логистика терминларининг лексикографик талқини Джумабаева Ж.Ш., Алаутдинова К.Ш	354
71	Тазкирани Шуаро"нинг қўлёзма нусхаларидаги маълумотлар қиёси Дўстова С.С.	362
72	Ш.Сейтов ва Ш.Холмирзаев ижодида образлар типологияси Каниязова Ж. О.	366
73	Лингвоўлкашунослик ва миллий-маданий бирликлар Махмурова М. Ҳ	373
74	Лингвомаданиятшуносликда бадий оним тушунчаси Бахтиёрва М.Б	379
75	Таржумон туркий ва ажамий ва мўтулий ва форсий" Қўлёзмаси хусусида Жафаров Б.С	385
76	Badiiy tarjima va ijodkorning individual uslubi. Mansurova G. M., Eshmurodov U. X	390
77	Ўзбек тили географик терминларида полифункционалик Исломов И.Х	394
78	Baking process terms in english, russian and uzbek languages from the point of view of language sources Muminova D. A	399
79	Жамол камол – рубоийнавис Қувватова Д., Назарова Д., Назарова Д	403
80	Somatik so'zlarning muhim xususiyatlari Gadoyeva M.I	411
81	Чингиз айтматов ижодий фаолияти тадқиқининг географияси, статистикаси, йўналиш ва босқичлари Алисултонова Н.А.	416
82	The role of form, meaning and use in teaching grammar communicatively Elmuratov R. Kh	421
83	Инглиз тилида эпитетнинг идрок этишнинг ўзига хослиги Умаралиева Д.Т	426
84	Роль перевода в изучении иностранного языка Баротова М.Б	429
85	Атоқли отларнинг замонавий тилшуносликдаги аҳамияти Санакулов З.И	433
86	АҚШ адабиётига европа адабиётининг ижодий таъсири. Файзлиева К.А.	436
87	Форс ва ўзбек тилларида жой номларини ясаш бўйича таклифлар Мирзахмедова Ҳ.В.	440
88	Тилшуносликда термин ва терминологияга оид қарашлар Ҳайдаров И.Т	447



ЛИНГВОЎЛКАШУНОСЛИК ВА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ БИРЛИКЛАР

Махмурова Мавжуда Ҳалимовна

Бухоро давлат университети

Табиий фўналушларда чет тили кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада хорижий тилларни ўқитишда лингвоўлкашуносликнинг роли, лингвистиканинг турли маданиятларни фарқлашдаги аҳамияти, миллий-маданий семантика билан боғлиқ тил бирликлари очиб берилган.

Калит сўзлар: лингвоўлкашунослик, лингвистика, тил ўқитиш, семантик анализ, миллий-маданий бирликлар, реалия, коннотатив лексика, коммуникация.

ЛИНГВИСТИКА И НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕ ЕДИНИЦЫ

Аннотация: В статье раскрывается роль лингвистики в обучении иностранным языкам, значение лингвистики в дифференциации различных культур, языковые единицы, связанные с национально-культурной семантикой.

Ключевые слова: лингвострановедение, лингвистика, обучение языку, семантический анализ, национально-культурные единицы, реалии, коннотативная лексика, коммуникация.

LINGUISTICS AND NATIONAL-CULTURAL UNITS

Abstract: The article reveals the role of linguistics in teaching foreign languages, the importance of linguistics in the differentiation of different cultures, linguistic units associated with national and cultural semantics.

Key words: linguistic and cultural studies, linguistics, language teaching, semantic analysis, national and cultural units, realities, connotative vocabulary, communication.

Бизнинг давримизда, яъни иқтисодий, сийёсий ва ижтимоий муносабатлар жадал ривожланаётган бир даврдахорижий тилларни билиш ва ўргани зарур ҳамда муҳим саналади. Бироқ, тил ўрганиш билан боғлиқ муаммолардан бири инсоннинг ўқув жараёни ва тил ўрганишга бўлган қизиқишини сақлаб қолиш ҳисобланади. Тил ўрганишга бўлган мотивацияни сақлашда мамлакатлар маданияти ва ўлкашунослик элементларини таълим жараёнига киритиш муҳим рол ўйнайди. Хорижий тилни ўқитиш билан ўлкашунослик алоқасининг долзарблиги нафақат лингвоўлкашунослик билан, балки ижтимоий-маданий сабаблар билан ҳам боғлиқдир.

Лингвоўлкашунослик материаллар хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишни қўллаб-қувватлаш ва яратиш учун кучли восита бўлиб, мотивация бериш учун хизмат қилади. У ўз ичига икки жиҳатни олади:

1. Тил ўргатилади
2. Мамлакат ҳақида маълумот беради

Ўлкашунослик материаллар туфайли тил ўрганувчилар тили ўрганилаётган мамлакат реалиялари билан танишадилар, география, тарих, маданият, таълим ва бошқалар соҳалар борасида қўшимча билимларни эгаллайдилар. Лингвоўлкашунослик билимларни тил ўрганувчиларда чуқурлаштириш билан бир қаторда, уларда интеллектуал ва нутқ қобилияти, нутқ маданияти шакллантирилади.



Сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларда халқаро алоқалар ҳамда муносабатларнинг изчил ривожланиши хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий методларини ва йўналишини коммуникациянинг ҳақиқий мулоқот шароитига мослаштиришни белгилаб беради. Таълимнинг самараси ва яқиний натижаси сифатида коммуникатив компетенцияга интилиш нафақат тегишли хорижий тилга хос бўлган техникани ўзлаштиришни, янги тил ўрганувчининг малакасини, балки тилга хос бўлмаган катта ахборотни ўзлаштиришни талаб этади. Шу билан бирга тилни ўрганиш ва ўзаро тушуниш учун зарур бўлган лингвистик бирликларни ўрганишни ҳам назарда тутлади. Чунки реалияни ва атрофдаги воқеликни билмай, тасаввур қилмай туриб бир маданият ва тил ҳақида асосий маълумотларини равишда эгаллаб бўлмайди.

Ўлкашунослик ва лингвоўлкашунослик нима дегани ва уларнинг фарқли жиҳатлари қандай деган ўривли савол тугилади. Хорижий тилни ўрганаётганда, ўқувчи нафақат чет тилининг лексика, грамматика, фонетика ёки стилистика соҳаси билан боғлиқ, балки ижтимоий, кундалиқ ёки тарихий соҳаларга оид бир қанча фактларга дуч келади. Ўша ўрганилаётган тилга хос бўлган баъзи сўзлар ёки ибораларни тўғри қўллаш ёки тушуниш, баъзида уларнинг келиб чиқиш тарихи, уларни ишлатиш мумкин бўлган вазиятлар ёки ўрганилаётган тилнинг мамлакат тарихи, адабиёти, сиёсий тизими ва ҳаётига доир оддий маълумотларни билишни назарда тутлади.

Турли тилларда сўзлашувчилар орасида ушбу маълумотлар захирасининг сезиларли даражада фарқланиши асосан муайян бир халқ ва мамлакатларнинг турмуши ҳамда ҳаётига хос бўлган турли хил моддий ва маънавий шароити, қадриятлари, уларнинг тарихи, маданияти, ижтимоий-сиёсий хусусиятлари, сиёсий тизими билан белгиланади. Шундай қилиб, тили ўрганилаётган мамлакат ёки ўлканинг спецификасини ва ўзига хос хусусиятларини чуқур билиш ва шу тарихқа чет тилларини ўрганишнинг асосий тамойилларидан бири сифатида ўлкашунослик жиҳатидан ёндашиш зарурлиги намойён бўлади.

Хорижий тилни таълим беришни маданиятшунослик жиҳатидан шарҳ бермасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун оғзаки нутқ билан бир қаторда, тили ўрганилаётган мамлакатнинг реалиялари билан танишиш биринчи ўринга чиқади. Мамлакатимизда тил ўрганиш жараёнида ёки тилни ўрганиш билан боғлиқ ҳолда ўқитилмаган ва муайян бир давлат ҳақидаги турли маълумотларни берадиган фан одатда ўлкашунослик деб аталади. Америка таълим муассасаларида тил ва ҳудудлар курслари (ленгвиг энд ара) мавжуд. Инглиз тилшунослари томонидан ҳам лингвомаданий ўлкашунослик тадқиқотлар назарияси - "Лингвокалчерал стадияс теори" қўлланилади.

АҚШнинг давлат таълим стандарти хорижий тилларини ўқитиш мақсадлари қаторида "мактаб ўқувчиларида чет тилга, бу тилда сўзлашадиган халқ маданиятиганаибатан ижобий муносабатни тарбиялаш"ни ўз ичига олади. Чет тили воситалари ёрдамида таълим олиш тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, тарихи, реалиялари ва анъана, қадрият ва урф-одатларини билишни, яъни лингвоўлкашуносликни назарда тутлади. Лингвоўлкашунослик мактаб ўқувчиларини маданиятлар диалектикасига, умуминсоний маданиятнинг тараққиётига, оғзаки тил ва маданиятнинг бошқа халқ маданиятининг кўзгусидаги ролини англашга даъват этади.



Тилшуносларнинг тил ва маданиятни ўрганиш муаммосига мурожаат қилишибежиз эмас, чунки бу ўлкашуносликни тил ҳодисалари билан муваффақиятли равишда уйғунлашувига имкон яратади. Бу нафақат коммуникация ва алоқа воситаси, балки тил ўтанувчиларни улар учун янги бўлган воқелик билан таништириш усули сифатида хизмат қилади. Мактабда чет тилидан дарс бериш масаласида бундай ёндашувнафақат амалий, умумийтаълим, ривожлантирувчи ва тарбиявий вазифаларни янада самаралироқ ташкил қилади, балки таълим олишга бўлган мотивацияни кейинчалик қўллаб-қувватлаш ва уни сақлаб қолиш учун улкан имкониятларни ҳам ўз ичига олади.

Лингвоўлкашуносликнинг асосий мақсади– халқаро мулоқотда коммуникатив компетенцияни таъминлаш. Албатта, бунда биринчи навбатда суҳбатдошнинг нутқи ва тил ташувчи учун мўлжалланган асл матнларни тўғри қабул этиш ҳамда идрок қилиш назарда тутилади.

Лингвоўлкашунослик бир қатор муаммоларни, хусусан, асосий филологик муаммо бўлган матнни тўғри тушунишни ҳал қилади. Шунинг учун у нафақат лингводидактиканинг асоси бўлиб хизмат қилади, балки таржиманинг ҳам лингвистик асоси сифатида иштирок этади. Дарҳақиқат, таржима қилиш учун хорижий тилга хос бўлган ибораларнинг барча маъноси ва ижир-чикирларини тушуниш керак. Жумладан, текст ости, аллюзия, киноя, ишораларни аглаш лозим, шундан сўнг эса таржима қилинадиган тилда мос келадиган муқобил сўзларни саралаб олиш лозим. Уларни биимаслик эса хорижий тилда мулоқот қилишда қийинчиликларга олиб келиб, охири-оқибат тил ўрганувчиларнинг коммуникатив компетенциясининг пасайишига олиб келади.

Тил ва нутқ воситаларини тадқиқ қилиш, уларни тизимлаштириш ва хорижий тилни таълим бериш учун оптимал шаклга келтириб, тақдим этиш тилшуносликнинг вазифаларидан бири саналади. Шунинг учун хорижий тилларни ўқитишда ўлкашунослик жиҳатининг лингвистик асослари ҳақида бемалол гапиришмумкин. Бунинг хорижий тилни ўқитишнинг умумий лингвистик асосларининг бир қисми сифатида тушуниш лозим. Улар психология, педагогика ва бошқалар фанлар билан бир қаторда туради. Яъни чет тилидан таълим беришнинг назарий асоси сифатида бўлади.

Хорижий тилни ўқитишда ўлкашунослик жиҳатининг лингвистик асосланиши методик тадқиқотлар доирасидан четда бўлиб, ўлкашуносликка йўналтирилган тилшуносликнинг вазифасини ташкил этади. Бундан кўзланган мақсад амалий эҳтиёжларни қондиришни назарда тутадиган ва халқаро коммуникация эҳтиёжларини ҳисобга оладиган лингвистик тадқиқотларнинг амалий жиҳатини ажратиб олиш лозимлиги кўзда тутилади.

Ўрганилаётган тилларнинг умумий ҳамда қиёсий лексикологияси ва фразеологияси хорижий тилларни ўқитишда ўлкашунослик жиҳатининг лингвистик асосини ташкил қилади. Ўлкашуносликка йўналтирилган тилшуносликнинг лингвистик материалга умумий ёндашуви социолингвистик характерга эга бўлиб, лингвистик шаклларга эмас, балки ижтимоий шартли тиллараро дифференциацияга асосий эътибор қаратилади.

Ўлкашуносликка йўналтирилган тилшуносликнинг вазифаларига контрастив лингвистика позициясидан амалга ошириладиган ҳолатлар, тизимлаштириш ва талқин этиш кириб, улар тилни ўрганилаётган мамакат ёки ўлкалар учун ўзига хос бўлган



ҳолатларни ақс эттиради. Бироқ ўлкашунослик лингвистикасининг янада аниқ баъзи бир вазифаларини ҳам келтириши мумкин:

- алоҳида лексемалар ва иборалар режасининг ўзига хос миллий хусусиятга эга унсурларини коммуникатив ҳамда тарбиявий жиҳатдан семантик таҳлил қилиши;
- мавжуд калип сўзларнинг лексик-фразеологик майдонларида ўлкашунослик жиҳатдан аҳамиятли лексик birlikларнинг маълумотини йиғиши;
- чет тили лексикасини унинг ижтимоий-тизимли ва миллий-давлат фарқланишини ҳисобга олган ҳолда ўлкашунослик белгилари бўйича ўқиши;
- мавжуд ўлкашунослик ҳодисалар белгилаш учун хорижий тилнинг ўзига хос махсус расмий воситаларини ўрганиши;
- муайян суҳбатлашиш ҳолатларида коммуникациянинг лингвистик ва новербал воситаларининг ўзаро миллий-специфик таъсирини таҳлил қилиши;
- хорижий тилни ўқитиш ва ўрганиш учун ўқув материалларининг ўлкашунослик жиҳатларининг лингвистик асослаш, ўлкашуносликка йўналтирилган ўқув лугатларини яратиши.

Хорижий тилни ўзлаштириш асносида маданиятшунослик билимларини ўзлаштириш ва бошқа тилда сўзлашувчилар ментал тафаккурини тушуниш қобилиятини шакллантириш амалга ошади. Айнан шу билан лингвоўлкашунослик шугулланади. Тилшуносликнинг ушбу соҳасининг таълим-тарбиявий аҳамияти шундан иборатки, ўрганилаётган тил маданияти билан танишиш ўз мамлакатини ҳақиқати билимлар ва тушунчалар билан янги ўзлаштирилган билим ва тушунчаларни таққослаш ҳамда баҳолаш орқали кизага келади.

Лингвоўлкашунослик предмети махсус танланган, ўзига хос тил материали бўлиб, у тилни ўрганилаётган мамлакатининг маданиятини, фонли ва коннотатив лексик birlikларини ақс эттиради. Лингвоўлкашунослик материалга алоқадор сўз ёки сўз birlikмаларининг белгиси бошқа тилларда мавжуд бўлмаган миллий-маданий компонент ёки семантик улушларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Лингвоўлкашуносликнинг асосий вазифаси тил birlikларини ўрганишдир. Улар халқ маданиятининг миллий хусусиятларини яққол ақс эттириб, у тил ташувчининг характери ва у яшаётган муҳитни ифодалайди. Бундай лексик birlikларга қуйидаги атамалар киради:

- реалия – бир маданиятга хос бўлган, аммо бошқаларида учрамайдиган нарса ва ҳодисалар
 - коннотатив лексика – асосий маъноси бир-бирига мос келадиган, лекин маданий-тарихий жиҳатдан тушунишга кўра фарқ қиладиган сўзлар
 - фонли лексика – қийсладиган маданиятларда мавжуд бўлган муқобил, аммо амал қилиши, шакли ва мўлжалланганлигига қараб миллий хусусиятлари билан фарқ қиладиган нарса ҳамда ҳодисаларни белгилаш.

Шу билан бирга, маданиятшунослик ва ўлкашунослик жиҳатидан ҳодисаларнинг кадр-қиммати, ўзигахослиги, ҳамма учун маълумлиги ва замонавий воқеликка йўналтирилганлиги, тематиклиги ва функционаллиги хорижий тилни ўқитиш мазмунининг миллий-маданий компонентини танлашнинг энг муҳим мезони ҳисобланади.



Лингвоўлкашунослик учун шунигадек, халқнинг миллий ўзига хос тарихи, маданияти, анъанавий турмуш тарзи акс этадиган фразеологик бирликлар ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Лингвоўлкашуносликнинг асосий мақсади – халқаро мулоқотда коммуникатив компетенцияни таъминлаш, биринчи навбатда, суҳбатдошнинг нутқи ва тил ташувчиға мўлжалланган асл матнларни тўғри тушуниш назарда ҳисобланади.

Миллий маданиятнинг ўзига хослиги ёрқин намоён бўладиган тил бирликларини ўрганиш ва ижтимоий танлаб олишнинг зарурати, чет элликлар билан бўладиган ҳар қандай мулоқотда, бадий адабиётни, публицистик мақолаларни, матбуотни ўқишда, кинюфильмаларни кўрганда, музика тинглаганда кучли сезилади.

Хорижий тилни ўқиш мазмунига миллий-маданий компонентни қўшиш, биринчи навбатда, асл-ҳақиқий материаллар бўлиши мумкин, булар: адабий ва музикалий асарлар, ҳақиқий нарсалар ва тасвирлар бўлиб, улар тил ўрганувчинини табиий маданий муҳитта яқинлаштириши мумкин. Бироқ, таълим тил ўрганувчилар учун мазмунли ва маълум бир янгилikka эга бўлиши керак. Материал таълим муассасалари, давлат тузилиши, мамлакатнинг болалар ва ёшлар ташкилотлари, ахлоқ-одоб ва нутқ маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида умумий маълумот бериши лозим.

Яққол намоён бўладиган миллий-маданий семантикага эга бирликларни танлашбу лексикология ва фразеологиянинг вазифаси ҳисобланиб, лингвоўлкашуносликнинг лингвистик асоси бўлиши ва уни ўлкашуносликка йўналтирилган тилшунослик деб номлаш мумкин.

Хулоса қилиб айтсак, маданият, тарих, реалия ва урф-одатларни ўрганиш хорижий тилга, унинг маданиятга нисбатан ижобий муносабатни тарбиялашга ёрдам беради. Шу билан бирга, тил ўрганувчида маданиятларни солиштириш содир бўлади, тилнинг роли ва унинг алоқа воситаси сифатида қўллаш эҳтиёжи ҳақидаги тушунча шакллантирилади.

Адабиётлар:

1. Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. Москва. "Просвещение". 1991.
2. Коряковцева Н.Ф. Современная методика организации самостоятельной работы изучающих иностранный язык. Москва. 2002 г.
3. Панов Е.И., Кузовлев В.П., Коростелев В.С. Цель обучения иностранным языкам на современном этапе развития общества. // Иностранные языки в школе. № 6, 1987.
4. Нефедова М.А., Лотарева Т.В. Страноведческий материал и познавательная активность учащихся. // Иностранные языки в школе. № 6, 1987.
5. Панов Е.И., Кузовлев В.П., Коростелев В.С. Цель обучения иностранным языкам на современном этапе развития общества. // Иностранные языки в школе. № 6, 1987.
6. Конышева А.В. Английский язык. Современные методы обучения. Минск. "ТерраСистемс", 2007.
7. U.K. Mavlonova, S.K. Karimova. THE PROBLEM OF TEACHING ENGLISH IN MIXED ABILITY CLASSES. Dostijeniya nauki i obrazovaniya. 5 (59), 2020.
8. U.K. Mavlonova, Z.Z. Abulova, D.K. Kodirov. ROLE PLAY AS A METHOD OF DEVELOPING SPEAKING SKILL. Scientific reports of Bukhara State University 3 (1), 2020, p. 253-260.



9. M.U. KHAMDAMOVNA. TYPES OF IRONY AND ITS USAGE IN THE CONTEXT. SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY/ BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMY AXBOROTI. 2/78, 2020, 208-213. УДК: 616.89-008.444.5
10. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna. THE ROLE OF IRONY IN UZBEK LITERATURE. SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. 2021/3(85), P. 50-59
11. Mavlonova U Kh, RA Akhmedova. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN EXAMPLES FROM GENERAL CASES. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 24-26.
12. U.K. Mavlonova, R.A. Achilova. THE PROBLEM OF TRANSLATION OF REALIA (AMERICANISMS). Dostijeniya nauki i obrazovaniya, 5/59, 2020.
13. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna, "IRONY IN FITRAT'S DRAMAS", *IEJRD - International Multidisciplinary Journal*, vol. 5, no. CONGRESS, p. 3, Nov. 2020.
14. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna, Makhmurova Mavjuda Khalimovna. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN LITERATURE. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 26-27.
15. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna. (2021). IRONY IN LYRICS. *European Journal of Research Development and Sustainability*, 2(4), 77-81. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/ejrd/article/view/609>
16. У.Х. Мавлянова. КИНОЯНИНГ ОЎЗАКИ, ВАЗИЯТЛИ ВА ДРАМАТИК КЎРИНИШЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШ АҲАМИЯТИ - МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 2021.
17. Mavlonova Ugiloy Khamdamovna 2020. Similarities and differences between types of comic. *International Journal on Integrated Education.* 3, 9 (Sep. 2020), 105-107. DOI: <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i9.596>.
18. Mavlonova U.K., Makhmurova M.Kh., Kodirov T.D. DESCRIPTION OF ART MEDIA IN LITERATURE // LXIV International Correspondence Scientific and Practical Conference "EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY" June 5-9, 2020. London, United Kingdom
19. Mavlonova U. K., Makhmurovna M. K. THE INTRODUCTION OF IRONY IN ENGLISH AND UZBEK LITERATURE //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 3. – С. 4-4.
20. Ugiloy Khamdamovna Mavlonova, Dilfuza Salimboyevna Ruziyeva. THE USE OF IRONY IN LITERATURE // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2020. – Issue 04, Volume 84. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS
21. Makhmurova Mavjuda Halimovna. The importance of a foreign language in higher education. Вопросы науки и образования. 8 (92), P.15-19, 2020.
22. Махмурова М., Абдуллаева Л.С, Самадова С.А. Современные методы преподавания иностранных языков. Коммуникативный метод... Наука Мысль. Том 6, ст.72-76. 2014/12/30.
23. Неъматова Моксибегим Фазлиддиновна Бобоева Василя Тошпулатовна, Бобоева Василя Тошпулатовна, Максмудова Мавжуда Халимовна, Хасанова Холида Фаттоевна. Роль игр и преимущества использования игр в изучении английского языка. *International Journal of Advanced Science and Technology.* Том 29, 9 (5). 2020.
24. Махмурова Мавжуда Халимовна, Ачилова Рисолат Аъзамовна. MODERN APPROACHES TO LEARNING A SECOND LANGUAGE. 4/1, ст.182-185, 2020.



25. VT BABAYEVA, MH MAKHMUROVA, GK NAZAROVA. STUDYING LANGUAGE AS THE SECOND LANGUAGE LEARNERS. E-Conference Globe, с. 89-94, 2021/3/31.
26. МК МАХМУРОВА. GRAMMATICAL CATEGORIES IN GERMAN AND UZBEK. E-Conference Globe, с.118-123, 2021/3/31.
27. Махмурова Мавжуда Халимовна. LINGUISTIC BASIS OF TEACHING ORAL COMMUNICATION OF STUDENTS IN GERMAN LANGUAGE LESSONS. BRIDGE TO SCIENCE:RESEARCH WORKS.ISBN 978-1-941655-96-2. P.65-67. DOI:http://doi.org/10.15350/L-2/7. 2020/12/15
28. Мавжуда Халимовна Махмурова. METAFORALAR NUTO SHAKLI SIFATIDA. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА. 4/1-1, 2021/3/15.

ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИҚДА БАДИИЙ ОНИМ ТУШУНЧАСИ

Бахтиёрва Мафтуна Бахтиёрова

Мирзо Улутбек номидаги ЎзМУ докторанти

Тел.: 91 953-52-22, E-mail: maftunabakhtiyorovna.phd@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада “оним” халқ хотираси, маданияти ва маънавиятининг таркибий қисми сифатида ёритилади. Онимнинг барча хусусиятлари жуда муҳим бўлиб, бадиий номлашда долзарблаша бормоқда, чунки бадиий коммуникациянинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда ҳар бир сўз алоҳида, контекста боғлиқ бўлган маънога эга бўлади. Бадиий матнда онимлар ўзида анча катта маълумот ҳажмини қамраб олади: персонажнинг ижтимоий мақомини, унинг миллий мансублигини, маълумотини кўрсатади, тарихий-маданий маълумотни ўзида ифодалайди.

Калит сўзлар: коннотация, мифоним, ономастик бирлик, шеърый ономастика, амалий ономастика, регионал ономастика, назарий ономастика.

ЗНАЧЕНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОНИМА В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ

Бахтиёрова Мафтуна Бахтиёрова

Докторант УзНУ имени Мирзо Улутбека

Тел.: 91 953-52-22, E-mail: maftunabakhtiyorovna.phd@gmail.com

Аннотация. В этой статье «оним» описывается как неотъемлемая часть памяти, культуры и духовности народа. Все особенности онима очень важны и становятся все более актуальными в наименовании, потому что каждое слово имеет отдельное, контекстно-зависимое значение, что является особенной чертой художественного общения. В художественном тексте они содержат большой объем информации: они отражают социальный статус персонажа, его национальность, образование, а также исторические и культурные сведения о нем.

Ключевые слова: коннотация, мифоним, ономастическое единство, поэтическая ономастика, практическая ономастика, региональная ономастика, теоретическая ономастика.

THE CONCEPT ONYM IN LINGUOCULTUROLOGY

Bakhtiyorova Maftuna Bakhtiyorovna

Doctoral Researcher of the National University of Uzbekistan